

**ЕИ РЕГЛАМЕНТИ 2015/2446**  
**2 БЎЛИМ**  
**ПРЕФЕРЕНЦИАЛ КЕЛИБ ЧИҚИШ**

**37 МОДДА**

**ТУШУНЧАЛАР**

Мазкур бўлим мақсадлари учун қуйидаги тушунчалар қўлланади:

- (1) “бенефициар-мамлакат” преференциялар бош тизими бенефициар-мамлакатини билдириб, Европа парламенти ва Кенгаши №978/2012 Регламентининг (ЕИ) II Иловасидаги рўйхатга киритилган;
- (2) “ишлаб чиқариш” ишлов бериш ёки қайта ишлашнинг, жумладан йиғишнинг, ҳар қандай турини англатади;
- (3) “материал” маҳсулот ишлаб чиқаришда ишлатиладиган ҳар қандай ингредиент, хом ашё, компонент ёки қисм ва ҳ.к.ларни англатади;
- (4) “маҳсулот” ишлаб чиқариладиган маҳсулотни англатади, хатто у кейинчалик бошқа ишлаб чиқариш операциясида ишлатишга мўлжалланган бўлса ҳам;
- (5) “товарлар” ҳам материалларни, ҳам маҳсулотларни англатади;
- (6) “икки томонлама кумуляция” Иттифоқдан келиб чиқадиган маҳсулотларни бенефициар-мамлакатда кейинчалик ишлов берилганда ёки шу бенефициар-мамлакатда маҳсулотга киритилганда, бенефициар-мамлакатдан келиб чиқадиган деб қараш имконини берадиган тизимни англатади;
- (7) “Норвегия, Швейцария ёки Туркия билан кумуляция” Норвегия, Швейцария ёки Туркиядан келиб чиқадиган маҳсулотларни, бенефициар-мамлакатда кейинчалик ишлов берилса ёки шу бенефициар-мамлакатда маҳсулотга киритилса ва Иттифоққа импорт қилинса, бенефициар-мамлакатдан келиб чиққан материаллар деб қараш имконини берувчи тизимни англатади;
- (8) “минтақавий кумуляция” шундай тизимни англатадики, унга мувофиқ мазкур Регламентга биноан минтақавий гуруҳ аъзоси бўлган мамлакатдан келиб чиқадиган маҳсулотлар, кейинчалик худди шу минтақавий гуруҳнинг бошқа мамлакатида (ёки гуруҳлар ўртасида кумуляция имкони бўлган, бошқа минтақавий гуруҳ мамлакатида) ишлов берилганда ёки маҳсулотга қўшилганда ушбу мамлакатда келиб чиқадиган материаллар сифатида қаралади;

(9) “кенгайтирилган кумуляция” шундай тизимни англатадики, у бенифициар-мамлакат томонидан бериладиган буюртма асосида Комиссия томонидан тақдим этилиб, унда амалдаги тарифлар ва савдо тўғрисидаги Бош битимнинг XXIV Моддасига мувофиқ Иттифоқ билан эркин савдо тўғрисидаги келишуви бўлган мамлакатдан келиб чиқадиган муайян материаллар кейинчалик ишлов берилганда ёки бенифициар-мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотга қўшилганда, шу мамлакатда келиб чиққан деб ҳисобланади.

(10) “бир бирининг ўрнини босувчи материаллар” бир хил кўринишга ва тижорат сифатга, бир хил техник ва физик тавсифларга эга бўлган ва уларни тайёр маҳсулотга киритгандан сўнг бир биридан ажратиб бўлмайдиган материалларни англатади;

(11) “минтақавий гуруҳ” шундай мамлакатлар гуруҳини англатадики, улар ўртасида минтақавий кумуляция қўлланади;

(12) “божхона қиймати” тарифлар ва савдо тўғрисидаги (божхона баҳоси тўғрисидаги ЖСТ нинг Битими) Бош битимнинг VII моддасини бажариш тўғрисидаги 1994 йил Битимга мувофиқ аниқланадиган қийматни англатади;

(13) “материаллар қиймати” ишлатилган хорижда келиб чиқадиган материаллар импорт қилинган вақтдаги божхона қийматини ёки агар бу номаълум бўлиб, аниқлашнинг имкони бўлмаса, ишлаб чиқариш мамлакатада материаллар учун тўланган биринчи нарҳни англатади; бу банд ишлатиладиган келиб чиқадиган материалларнинг қийматини белгилаш зарур бўлганда қўлланиши керак;

(14) “франко- завод нарҳи” нарҳ барча ишлатилган материалларнинг қийматини ва олинган маҳсулотни экспорт қилишда тўланадиган ёки қайтарилиши мумкин бўлган ҳар қандай ички солиқлар чиқариб ташланган ҳолда, уни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган барча бошқа харажатларни ўз ичига олиш шarti билан, сўнги ишлов бериладиган ёки қайта ишланадиган корхонанинг эгасига маҳсулот учун тўланган нарҳни англатади.

Агар ҳақиқатан тўланган нарҳ ишлаб чиқариш мамлакатада маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган барча харажатларни акс эттирмаса, франко-завод нарҳи олинган маҳсулотни экспорт қилишда сўндирилиши мумкин бўлган ҳар қандай ички солиқлар чиқариб ташлангандан кейинги барча харажатлар суммасини англатади;

(15) “таркибида хорижда келиб чиқадиган материалларнинг максимал мавжудлиги” ишлаб чиқаришни маҳсулотга келиб чиқиш мақомини беришга етарлича бўлган ишлов берувчи ёки қайта ишловчи деб қарашга рухсат этилган хорижда келиб чиқадиган материалларнинг маҳсулот таркибидаги максимал миқдорини англатади. У заводдаги маҳсулот нарҳига нисбатан фоизларда ёки

муайян гуруҳ, позиция ёки субпозицияга кируви шу материалларнинг нетто вазнига нисбатан фойзларда акс этиши мумкин.

(16) “нетто вазн” қадоқловчи материалларсиз ва ҳар қандай кўринишдаги қадоқловчи контейнерларсиз товарларнинг ўз вазини англатади;

(17) “гуруҳлар”, “позициялар” ва “субпозициялар” божхона ҳамкорлик Кенгашининг 2004 йил 26 июндаги тавсияларига мувофиқ ўзгартиришлар билан Уйғунлашган тизимни ташкил этувчи, номенклатурада қўлланадиган гуруҳлар, позициялар ва субпозицияларни (тўрт ёки олти хонали кодлар) англатади;

(18) “таснифланган” маҳсулот ёки материалнинг Уйғунлашган тизимнинг конкрет бўлими ёки кичик бўлими бўйича таснифланишига оид;

(19) «партия» қуйидаги маҳсулотларни англатади:

(а) бир вақтнинг ўзида битта экспортёрдан битта олувчига жўнатилган маҳсулот; ёки

(b) уларнинг экспортёрдан олувига жўнатилишини битта транспорт ҳужжатлари билан ёки бундай ҳужжатлар бўлмаган ҳолда битта ҳисоб билан қопланган маҳсулот;

(20) «экспортер» ишлаб чиқарувчи бўлиш-бўлмасоиги ва ўзи экспорт расмиятчиликларини бажариш-бажармаслигидан қатъий назар, товарнинг келиб чиқишини исботлаб бера оладиган, Иттифоқ ёки бенефициар-мамлакатга товар экспорт қилувчи шахсни англатади;

(21) “рўйхатдан ўтган экспортёр” қуйидагини англатади:

(а) бенефициар-мамлакатда бўлган ва ҳоқ Иттифоқ бўлсин, ҳоқ минтақавий кумуляция имкони бўлган бошқа бенефициар-мамлакат схемаси бўйича маҳсулотни экспорт қилиш мақсадида шу бенефициар-мамлакатнинг ваколатли органларида рўйхатдан ўтган экспортёр; ёки

(b) икки томонлама кумуляцияда бенефициар-мамлакатда материал сифатида ишлатиш учун Иттифоқда келиб чиқадиган товарларни экспорт қилиш мақсадида аъзо-давлатда рўйхатдан ўтган ва ушбу аъзо-давлатнинг божхона органларида рўйхатдан ўтган экспортёр; ёки

(c) Иттифоқнинг божхона ҳудудида ёки бу қўлланиши мумкин бўлган Норвегия, Швейцария ёки Туркияда (рўйхатдан ўтган такрорий жўнатувчи) товарларни бошқа жойларга жўнатиш учун келиб чиқиши тўғрисида ўрнини босувчи аризаларни тузиш мақсадида аъзо-давлатда рўйхатдан ўтган ва ушбу аъзо-давлатнинг божхона органларида рўйхатдан ўтган товар жўнатувчиси;

(22) “келиб чиқиши тўғрисидаги ариза” экспортёр ёки товар жўнатувчи тузган ариза бўлиб, унда кўрсатилган маҳсулотлар преференциялар схемасининг келиб чиқиш қоидаларига мувофиқлигини кўрсатади.

## **1 Кичик бўлим**

### **Келиб чиқишни бериш ёки далилларни расмийлаштириш**

#### **38 Модда**

Буюртмалар бериш ва INF 4 информацион сертификатларни топшириш учун воситалар (Кодекснинг 6(3) (а) Моддаси)

1. INF 4 информацион сертификатни олиш учун буюртма маълумотларни электрон ишлашдан бошқа усуллар ёрдамида берилиши мумкин ва 22-02 Иловада кўрсатилган маълумотларга бўлган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

2. INF 4 информацион сертификат 22-02 Иловада кўрсатилган маълумотларга бўлган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

#### **39 Модда**

Буюртма беришга ва маъқулланган экспортёр авторизациясини бериш учун воситалар

(Кодекснинг 6 (3) (а) Моддаси)

Преференциал келиб чиқиш далилларини тақдим этиш мақсадида маъқулланган экспортёр мақоми тўғрисидаги ариза топширилиши ва маъқулланган экспортёр авторизацияси маълумотларни электрон ишлашдан ташқари бошқа усуллар билан берилиши мумкин.

#### **40 Модда**

Рўйхатдан ўтган экспортёр бўлиш учун буюртма бериш учун воситалар

(Кодекснинг 6 (3) (а) Моддаси)

Рўйхатдан ўтган экспортёр тўғрисидаги аризалар маълумотларни электрон ишлашдан ташқари бошқа усуллар ёрдамида берилиши мумкин.

#### **2 Кичик бўлим**

Иттифоқ ГСП доирасида қўлланадиган маҳсулотнинг келиб чиқиш концепциясини аниқлаш

#### **41 Модда**

Умумий тамойиллар

Қуйидаги маҳсулотлар бенефициар-мамлакатдан келиб чиққан деб ҳисобланади:

А) 44 модданинг мазмуни бўйича шу мамлакатда тўлиқ олинган маҳсулотлар;

Б) шу мамлакатда олинган маҳсулотлар, жумладан у ерда тўлиқ олинмаган материаллар ҳам, бундай материалларга етарлича ишлов берилганлиги 45 ёки модданинг мазмуни бўйича ишлов берилганлиги шарти билан.

## 42 Модда

Худудийлик тамойили

1. Мазкур кичик бўлимда келиб чиқиш мақомини олиш учун белгиланган шартлар тегишли бенефициар-мамлакатда бажарилиши керак.
2. “Бенефициар-мамлакат” атамаси худудни қамраб олади ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг денгиз ҳуқуқи бўйича Конвенциясининг мазмуни бўйича ушбу мамлакатнинг денгиздаги худудий чегарасидан ташқарига чиқа олмайди (Монтего-Бей Конвенцияси, 1982 йил 10 декабрь).
3. Агар бенефициар-мамлакатдан бошқа мамлакатга экспорт қилинаётган бошланғич маҳсулотлар қайтарилса, улар хорижда келиб чиқадиган деб ҳисобланади, агар ваколатли органларга қуйидаги шартлар бажарилганлиги намойиш этилмаса:
  - (а) қайтарилган маҳсулотлар худди экспорт қилинган маҳсулотларнинг ўзидек бўлса ва
  - (б) улар устида бирор бир операция бажарилмаган бўлса, улар шу мамлакатда ёки экспорт вақтида бўлган даврида уларни яхши ҳолатда сақлаб туриш учун зарур бўлган операциялардан ташқари.

## 43 Модда

Non-манипуляция

1. Иттифоқда эркин муомала қилишга мўлжалланган маҳсулотлар, келиб чиққан деб ҳисобланган бенефициар-мамлакатдан экспорт қилинаётган маҳсулотларга ўхшаган бўлиши керак. Улар ўзгартирилмаган, бирор тарзда қайта тузилмаган ва улар устида, эркин муомалага чиқариш тўғрисида эълон қилилмагунига қадар уларни яхши ҳолатда сақлаб турувчи, ёки Иттифоқда қўлланувчи конкрет ички талабларга мувофиқликни таъминлаш учун белгилар, этикеткалар, муҳрлар ёки бошқа хужжатларни ёпиштириш ёки қўшиб қўйиш бўйича операциялардан ташқари, бошқа бирор бир операция бажарилмаган бўлиши керак.
2. Кумуляция мақсадида бенефициар-мамлакатга импорт қилинувчи маҳсулотлар 53, 54, 55 ва 56 Моддаларга мувофиқ ишлаб чиқарилган деб ҳисобланадиган мамлакатдан экспорт қилинувчи маҳсулотга ўхшаш бўлиши керак. Улар устида бирор бир операция бажарилмаган бўлиши керак, импорт қилинувчи мамлакатда

тегишли божхона процедурасига тақдим этилгунига қадар уларни яхши ҳолатда сақлаб туриш бўйича операциялардан ташқари.

3. Маҳсулотларни сақлаш, улар транзит мамлакатида ёки мамлакатларида божхона назорати остида бўлиш шarti билан амалга оширилиши мумкин.

4. Юкларни бўлишни, бу экспортёр томонидан ёки унинг жавобгарлиги остида амалга оширилаётган бўлса, тегишли товарлар мамлакатда ёки транзит мамлакатда божхона назорати остида қолиши шarti билан амалга ошириш мумкин.

5. 1 дан 4 гача бўлган бандлар, агар божхона органларига акси тахмин қилишга асос бўлмаган тақдирдагина бижарилган деб ҳисобланади, бундай ҳолларда божхона органлари декларантдан мувофиқликни тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиши мумкин бўлиб, улар турли усулда тақдим этилиши мумкин, жумладан, маркировка ёки қадоқларнинг рақамланишига ёки шу билан боғлиқ бўлган ҳар қандай далилларга асосланган коносаментлар ёки ҳақиқий ёки конкрет далиллар каби товарларга тегишли шартномавий транспорт ҳужжатлари.

#### **44 Модда**

Тўлиқ ишлаб чиқарилган маҳсулотлар

(Кодекснинг 64 (3) Моддаси)

1. Қуйидагилар бенефициар-мамлакатда тўлиқ ишлаб чиқарилган деб ҳисобланади:

(а) тупроқдан ёки денгиз дубидан қазиб олинган минерал маҳсулотлари;

(б) у ерда етиштирилган ва териб олинган ўсимлик ва сабзавотлар;

(в) у ерда туғилган ва ўстирилган тирик хайвонлар;

(г) у ерда ўстирилган хайвонлардан олинадиган маҳсулотлар;

(д) у ерда туғилган ва ўстирилган, ўлдирилган хайвонлардан олинадиган маҳсулотлар;

(ф) овчилик ёки балиқчилик натижасида олинган маҳсулотлар;

(ж) балиқлар, қисқичбақасимонлар ва моллюскалар туғилиб ўсган акваҳўжалик маҳсулотлари;

(ҳ) денгиз балиқчилиги маҳсулотлари ва унинг кемаларида исталган ҳудудий денгиз чегараларидан ташқарисидаги денгиздан олинган бошқа маҳсулотлар;

(и) унинг заводлари кемаларида фақат (ҳ) бандда кўрсатилган маҳсулотлардан тайёрланган маҳсулотлар;

(й) фақат хом ашё олишга ярайдиган, у ерда йиғилган қўлланган буюмлар;

к) у ерда бажариладиган операциялар натижасида ҳосил бўладиган чиқиндилар ва лом;

(l) ҳар қандай денгиз ҳудудидан ташқарисидаги, аммо эксплуатация қилинишга алоҳида ҳуқуқларга эга бўлган, денгиз тубидан олинган маҳсулотлар;

(m) у ерда фақат (a) - (l) бандларда кўрсатилган маҳсулотлардан тайёрланган товарлар.

2. 1 (h) ва (i) параграфдаги “унинг кемалари” ва “унинг заводлари кемалари” атамалари фақат қуйидаги талабларнинг ҳар бирига жавоб берувчи кемалар ва завод кемаларига қўлланади:

(a) улар бенефициар-мамлакатда ёки аъзо-давлатда рўйхатга олинган;

(b) улар бенефициар-мамлакат ёки аъзо-давлатнинг байроғи остида сузадилар;

(c) улар қуйидаги шартлардан бирини қониқтиради:

(i) улар ҳеч бўлмаганда 50% га бенефициар-мамлакат ёки аъзо-давлат фуқароларига тегишли ёки

(ii) улар қуйидаги компанияларга тегишли:

- улар ўзининг бош офисига эга ва уларнинг асосий фаолият жойи бенефициар-мамлакатда ёки аъзо-мамлакатларда, шунингдек

- уларнинг камида 50% бенефициар-мамлакат ёки аъзо-давлатга ёки бенефициар-мамлакат ёки аъзо-мамлакатнинг фуқароларига тегишли.

3. 2 банднинг шартлари аъзо-давлатлар ёки турли бенефициар-мамлакатларда бажарилиши мумкин, чунки барча бенефициар-мамлакатлар 55(1) ва (5) бандларга мувофиқ ҳудудий кумуляциядан фойдаланади. Бу ҳолда маҳсулот, 2 банд (b) га мувофиқ, кема ёки завод кемалари устидаги байроқлар тегишли бўлган бенефициар-мамлакатдан келиб чиққан деб ҳисобланади.

Биринчи кичик банд фақат 55 (2) (a), (c) ва (d) моддада келтирилган шартлар бажарилганда қўлланади.

## **45 Модда**

Етарлича ишланган ёки қайта ишланган маҳсулотлар

(Кодекснинг 64 (3) Моддаси)

1. 47 ва 48 моддаларга зид бўлмаган ҳолда 44 модда мазмуни бўйича тегишли бенефициар-мамлакатда тўлиқ олинмаган маҳсулотлар ундан келиб чиққан деб ҳисобланади, агар 22-03 иловадаги рўйхатда келтирилган шартлар тегишли товарлар учун бажарилган бўлса.

2. Агар 1 бандга мувофиқ мамлакатдан келиб чиққан мақомини олган маҳсулотга шу мамлакатда кейинги ишлов берилса ва бошқа маҳсулотни тайёрлашда материал сифатида ишлатилса, уни тайёрлашда ишлатилган, келиб чиққан деб ҳисобланмайдиган материаллар инobatга олинмайди.

## **46 Модда**

Ўртача қийматлар

(Модда 64 (3) Кодекса)

1. 45 (1) Модданинг талаблари бажарилганлигини аниқлаш ҳар бир маҳсулот учун амалга оширилиши керак.

Шундай бўлсада, валюталар курсининг ўзгариши ва сарфланишини ҳисобга олиш учун тегишли қоида бошланғич хорижда келиб чиққан материалларнинг мақсимал миқдорига риоя қилинишига асосланган бўлса, хорижда келиб чиққан материалларнинг қиймати ўртача 2 бандда белгиланган асосда ҳисобланиши мумкин.

2. 1 банднинг иккинчи кичик бандида айтилган ҳолатда, тайёрловчи заводдан маҳсулотнинг ўртача нарҳи ва ишлатилган хорижда келиб чиқадиган материалларнинг ўртача қиймати мос равишда дастлабки молиявий йил давомида маҳсулот сотишдан олинган франко-завод нарҳларининг суммаси ва экспорт қилувчи мамлакатда белгиланганидек, дастлабки молиявий йилда маҳсулот тайёрлашда ишлатилган барча хорижда келиб чиқадиган маҳсулот қийматларининг суммаси асосида ҳисобланади, агар тўлиқ молиявий йил учун маълумотлар бўлмаса, энг қисқа давр уч ойдан кам бўлмаслиги керак.

3. Ўртача ҳисоблашни танлаган экспортёрлар, ҳисобот молиявий йилдан кейинги йил давомида, ёки зарурат туғилганда, маълумот берувчи (справочний) сифатида ишлатилган энг қисқа даврдан кейинги йил давомида изчиллик билан қўллашлари керак. Улар бу усулни мазкур молиявий йил ёки энг камида уч ой бўлган, қисқа репрезентатив давр ичида, бундай усулнинг қўлланишини оқлайдиган, харажатлар ва валюта курсларининг ўзгариши тўхтаганлигини қайд қилганларида, улар бу усулни қўллашни тўхтатишлари мумкин.

4. 2 параграфда кўрсатилган ўртача қийматлар заводдаги нарҳ ва хорижда келиб чиқадиган материалларнинг қиймати сифатида, хорижда келиб чиқадиган материалларнинг максимал миқдорига мувофиқлигини белгилаш мақсадида қўлланиши керак.

## **47 Модда**

Етарлича ишланмаган ёки қайта ишланмаган

(Кодекснинг 64 (3) моддаси)

1. 3 бандга зиён келтирмаган ҳолда, 45 модданинг талаблари бажарилган ёки бажарилмаганлигидан қатъий назар, қуйидаги операциялар маҳсулотнинг келиб чиқиши мақомини бериш учун етарлича ишланмаган ёки қайта ишланмаган деб қаралиши керак.:



- (а) маҳсулотлар транспортирока ва сақланиш вақтида яхши ҳолатда қолишини кафолатлаш учун сақлаш бўйича операциялар;
- (б) упаковкаларни ажратиш ёки йиғиш;
- (в) кир ювиш, йиғиштириш; чанг, оксид, ёғлар ёки бошқа қопламалардан халос этиш;
- (г) текситль ёки текстиль маҳсулотларни дазмоллаш ёки прессовкалаш;
- (д) бўяш ва сайқаллашнинг оддий операциялари;
- (е) шolini оқлаш ва қисман ёки тўлиқ майдалаш; дон ва шolini сайқаллаш ва жило бериш;
- (ж) қанд ёки қанд бўлакларини бўяш ёки хуштаъм бериш бўйича операциялар; кристалл қандни қисман ёки тўлиқ майдалаш;
- (һ) ҳосил, ёнғоқ, мева ва сабзавотларни тозалаш;
- (и) чарҳлаш, оддий сайқаллаш ёки оддий кесиш;
- (й) элаш, саралаш, навларга ажратиш, таснифлаш, солиштириш (жумладан моддалар тўпламини тузиш);
- (к) бутилка, банка, колба, сумка, футлар, қутиларга оддий қадоқлаш, карточка ёки тахталарга қотириш ва упаковкалашнинг бошқа барча оддий операциялари;
- (л) маҳсулотлар ёки уларнинг упаковкаларига белгилар, этикеткалар, логотиплар ва бошқа шу каби танитувчи белгиларни ёпиштириш ёки босиб чиқариш;
- (м) бир турдаги ёки ҳар хил турдаги маҳсулотларни оддий аралаштириш; исталган материалларга шакар аралаштириш;
- (н) оддий сув аралаштириш ёки маҳсулотни дегидратация ёки денатурациялаш;
- (о) яҳлит маҳсулот олиш учун маҳсулот қисмларини оддий йиғиш ёки маҳсулотни қисмларга ажратиш;
- (р) ҳайвонларни сўйиш;
- (қ) (а)-(р) бандларда кўрсатилган икки ёки ундан ортиқ операцияларнинг комбинациялари.

2.1 банднинг мақсадлари учун операциялар оддий деб ҳисобланади, агар уларни бажариш учун махсус кўникмалар, шунингдек шу операцияларни бажариш учун махсус тайёрланган ёки ўрнатилган машина, ускуна ёки асбоблар талаб қилинмаса.

3. Мазкур маҳсулот билан бенефициар-мамлакатда бажарилаётган барча операциялар, шу маҳсулотга ишлов бериш ёки қайта ишлаш 1 банднинг мазмунига кўра етарлича эмаслигини ҳисобга олиш ёки олмаслик кераклигини белгилашда инобатга олиниши керак.

Толерантликнинг умумий қоидаси (йўл қўйиладиган четланишлар)

(Кодекснинг 64 (3) моддаси)

1. 45 моддадан четлашиб ва мазкур модданинг 2 ва 3 бандларини инобатга олиб, хориждан келиб чиққан материаллар, 22-03 Иловада келтирилган рўйхатдаги шартларга мувофиқ мазкур маҳсулотни тайёрлашда ишлатилмаслиги керак бўлсада, улар уларнинг мазкур маҳсулот таркибидаги умумий қиймати ва нетто оғирлиги қуйидагидан ошмаслик шарти билан ишлатилиши мумкин:

(а) Уйғунлашган тизимнинг 2 ва 4-24 гуруҳларига кирувчи маҳсулотлар оғирлигининг 15%дан, 16 гуруҳдаги ишлов берилган балиқ маҳсулотлари бундан мустасно;

(б) бошқа маҳсулотлар учун тайёр маҳсулотнинг франко-завод нарҳининг 15%дан, Уйғунлашган тизимнинг 50-63 гуруҳларига кирувчи, 22-03 Илованинг I қисми 6 ва 7 изоҳларида кўрсатилган рухсатлар қўлланадиган маҳсулотлар бундан мустасно.

2. 1 банд 22-03 Иловадаги рўйхатда келтирилган қоидаларда кўрсатилган хориждан келиб чиққан материалларнинг максимал миқадори учун бирор бир фоиз улушидан ошиб кетишига йўл қўймаслиги керак.

3. 1 ва 2 бандлар, 44 модданинг мазмунига мувофиқ бенефициар-мамлакатда тўлиқ олинган маҳсулотларга қўлланмаслиги керак. Бироқ, 47 ва 49 (2) моддаларга зиён етказмаган ҳолда, ушбу бандларда кўзда тутилган рухсат (допуск) маҳсулотни тайёрлашда ишлатилган барча материалларнинг йиғиндисига нисбатан қўлланади ва 22-03 Иловадаги рўйхатда ушбу маҳсулот учун келтирилган қоида бундай материалларнинг тўлиқ олиншини талаб этади.

## 49 Модда

Квалификация бирлиги

(Кодекснинг 64 (3) моддаси)

1. Мазкур кичик бўлим қоидаларини қўллаш учун квалификация бирлиги бўлиб, Уйғунлашган тизимни қўллаган ҳолда таснифлашда базовий бирлик бўлган конкрет маҳсулот ҳисобланади.

2. Агар юк партияси, Уйғунлашган тизимнинг бир хил позициясида таснифланган бир нечта ўхшаш маҳсулотлардан таркиб топган бўлса, ҳар бир алоҳида элемент мазкур кичик бўлим қоидаларини қўллашда ҳисобга олинishi керак.

3. Агар Уйғунлашган тизимнинг 5 талқин этишнинг умумий қоидаларига мувофиқ таснифлаш мақсадида упаковка маҳсулотга киритилган бўлса, у келиб чиқишни аниқлаш мақсадида киритилиши керак.

## 50 Модда

Аксессуарлар, эҳтиёт қисмлар ва асбоблар

(Кодекснинг 64 (3) моддаси)

Оддий ускунанинг бир қисми бўлган ва франко-завод нарҳига киритилган бирлик ускуна, машина, аппарат ёки транспорт воситаси билан бирга келтириладиган жиҳозлар, эҳтиёт қисмлар ва асбоблар, бирлик ускуна, машина, қурилма ёки транспорт воситаси билан бир бутун деб қаралиши керак.

## 51 Модда

Тўпламлар

(Кодекснинг 64 (3) моддаси)

Уйғунлашган тизимнинг 3 (b) Умумий қонунда белгиланганидек, агар барча ташкил этувчи маҳсулотлар келиб чиқувчи маҳсулот бўлса, тўпламлар келиб чиқувчи деб қаралиши керак.

Агар тўплам келиб чиқувчи ва хориждан келиб чиқувчи маҳсулотлардан ташкил топган бўлишига қарамай, хориждан келиб чиқувчи маҳсулотларнинг нарҳи тўпламнинг франко-завод нарҳининг 15% дан ошмаслиги шarti бажарилса, келиб чиқувчи деб қаралиши керак.

## 52 Модда

Нейтрал элементлар

(Кодекснинг 64 (3) моддаси)

Маҳсулот келиб чиқаётганлигини аниқлаш учун, уни тайёрлашда ишлатилиши мумкин бўлган қуйидагиларнинг келиб чиқишини ҳисобга олиш керак эмас:

(а) энергия ва ёнилғи;

(б) ускуна ва жиҳозлар;

(с) машина ва асбоблар;

г) маҳсулотнинг якуний таркибига кирмайдиган ва киришга мўлжалланмаган, ҳар қандай бошқа товарлар.

3 Кичик бўлим

Кумуляция қоидалари

## 53 Модда

Икки томонлама кумуляция

(Кодекснинг 64 (3) моддаси)

Икки томонлама кумуляция, Иттифоқдан келиб чиқувчи маҳсулотларни бенефициар-мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулот таркибига киритилган, у ерда бажарилаётган ишлов бериш ёки қайта ишлаш 47 (1) моддада келтирилган операциялар доирасидан ташқарига чиқиш шarti бажарилганда, ушбу мамлакатдан келиб чиқувчи материаллар деб қараш имконини бериши керак,. 41-52 моддалар ва келиб чиқиш далилларини кейинги текширишга тегишли бўлган қоидалар икки томонлама кумуляция мақсадлари учун Иттифоқдан бенефициар-мамлакатга қилинаётган экспортга нисбатан қўлланади.

#### **54 Модда**

Норвегия, Швейцария ёки Туркия билан кумуляция

(Кодекснинг 64 (3) моддаси)

1. Норвегия, Швейцария ёки Туркия билан кумуляция шу мамлакатлардан келиб чиқаётган маҳсулотларни бенефициар-мамлакатдан келиб чиқувчи деб қараш имконини бериши керак, бунда у ерда бажарилаётган ишлов бериш ёки қайта ишлаш 47 (1) моддада келтирилган операциялар доирасидан ташқарига чиқиш шarti бажарилиши керак.
2. Норвегия, Швейцария ёки Туркия билан кумуляция Уйғунлашган тизимнинг 1-24 бобларида келтирилган маҳсулотларга тегишли эмас.

#### **55 Модда**

Худудий кумуляция

(Кодекснинг 64 (3) Моддаси)

1. Худудий кумуляция қуйидаги тўртта алоҳида худудий гуруҳларга қўлланади:
  - (a) I гуруҳ: Бруней, Камбоджа, Индонезия, Лаос, Малайзия, Мьянма / Бирма, Филиппин, Таиланд, Вьетнам;
  - (b) II гуруҳ: Боливия, Колумбия, Коста-Рика, Эквадор, Сальвадор, Гватемала, Гондурас, Никарагуа, Панама, Перу, Венесуэла;
  - (c) III гуруҳ: Бангладеш, Бутан, Ҳиндистон, Мальдив Ороллари, Непал, Покистон, Шри-Ланка;
  - (d) IV гуруҳ: Аргентина, Бразилия, Парагвай ва Уругвай.
2. Битта гуруҳ мамлакатлари ўртасидаги худудий кумуляция фақат қуйидаги шартлар бажарилганда қўлланади:
  - (a) Иттифоққа маҳсулот экспорт қилиш вақтида кумуляцияда иштирок этувчи мамлакатлар бенефициар-мамлакатлар бўлиб, улар учун № 978/2012 сонли (ЕИ) Регламентга мувофиқ преференциал келишувлар вақтинча тўхтатилмаган бўлади;

(б) ҳудудий гуруҳ мамлакатлари ўртасидаги ҳудудий кумуляция мақсадлари учун 2 кичик бўлимда келтирилган келиб чиқиш қоидалари қўлланади;

(с) ҳудудий гуруҳ мамлакатлари қуйидаги мажбуриятларни олган:

(i) мазкур кичик бўлимга риоя қилиш ёки риоя қилинишни таъминлаш, шунингдек

(ii) ҳам Иттифоқ борасида, ҳам улар ўртасида шу кичик бўлимнинг тўғри бажарилишини таъминлаш учун зарур бўлган маъмурий ҳамкорликни таъминлаш;

(d) (с) бандда кўрсатилган мажбуриятлар тегишли ҳудудий гуруҳ Котибияти ёки кўриб чиқилаётган гуруҳнинг барча аъзоларининг вакили бўлган, бошқа ваколатли қўшма орган томонидан Комиссияга юборилган.

(b) банднинг мақсадлари учун 22-03 Илованинг II Қисмида келтирилган квалификацион операция кумуляцияда иштирок этувчи барча мамлакатлар учун бир хил бўлмаганда, ҳудудий гуруҳнинг бир мамлакатидан иккинчисига ҳудудий кумуляция мақсадлари учун экспорт қилинаётган маҳсулотнинг келиб чиқиши, маҳсулот Иттифоққа экспорт қилинганда қўлланадиган қоида асосида белгиланади.

Ҳудудий гуруҳ мамлакатлари биринчи кичик банднинг (с) ва (d) банларини 2011 йилнинг 1 январига қадар бажариб бўлган бўлса, янги мажбуриятлар талаб этилмайди.

3.22-04 Иловада санаб ўтилган материаллар қуйидаги ҳолларда 2 параграфда кўзда тутилган ҳудудий кумуляциядан чиқариб ташланади, агар:

(а) Иттифоқда қўлланадиган преференция тарифлари кумуляцияда иштирок этувчи барча мамлакатлар учун бир хил бўлмаса; ва

(b) кумуляция туфайли тегишли материаллар, Итифоқдан тўғридан-тўғри экспорт қилишда уларга қўлланадиган тарифга нисбатан манфаатлироқ бўлган тариф режимдан фойда қўрса.

4. Битта ҳудудий гуруҳдаги бенефициар-мамлакатлар ўртасидаги ҳудудий кумуляция фақат, материаллар кейинчалик ишлов бериладиган ёки қайта ишланадиган бенефициар-мамлакатда ишлов бериш ёки қайта ишлаш, 47 (1) моддада келтирилган оперциялар доирасидан ташқарига чиқиши шарти билан қўлланиши керак, агар бу текстиль маҳсулотларга тегишли бўлса 22-05 Иловада кўрсатилган операциялар бундан мустасно.

Агар биринчи кичик банддаги шарт бажарилмаса ва материаллар устида 47 (1) (b) - (q) Моддада келтирилган бир ёки бир нечта операция бажарилса, маҳсулотни Иттифоққа экспорт қилиш мақсади учун расмийлаштирилган ёки берилган келиб чиқиш далилида келиб чиқиш мамлакати деб, шу гуруҳ мамлакатларидан келиб чиққан, ишлатилган материаллар қийматининг энг катта улушига эга бўлган ҳудудий гуруҳ мамлакати кўрсатилиши керак.

Агар маҳсулот кейинги ишлов берилмасдан ёки қайта ишланмасдан, ёки унинг устида фақат 47 (1) (а) Моддада кўрсатилган оперциялар бажарилган ҳолда экспорт қилинса, келиб чиқиш мамлакати сифатида, Иттифоққа экспорт қилиш мақсадида берилган келиб чиқишни тасдиқлаш асосида, товар ишлаб чиқарилган бенефициар-мамлакатда берилган ва расмийлаштирилган келиб чиқишни тасдиқлашда кўрсатилган бенефициар-мамлакат кўрсатилиши керак.

5. Комиссия I ёки III гуруҳ бенефициар-мамлакати ҳукуматининг илтимосига кўра мазкур гуруҳ мамлакатларига, Комиссия қуйидаги шартларнинг ҳар биридан қониққанлиги шарти билан, ҳудудий кумуляцияни бериши мумкин:

(а) 2 (а) ва (b) параграфда кўрсатилган шартлар бажарилган; ва

(b) бундай ҳудудий кумуляцияда иштирок этадиган мамлакатлар ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни олган ва биргаликда бу ҳақда Комиссияни хабардор қилган:

(i) мазкур кичик бўлим, 2 кичик бўлим ва келиб чиқиш қоидаларини қўллашга тегишли бўлган бошқа барча қоидаларга риоя қилиш ёки риоя қилинишни таъминлаш; ва

(ii) мазкур кичик бўлим ва 2 кичик бўлимнинг ҳам Иттифоқ борасида, ҳам улар ўртасида тўғри бажарилишини таъминлаш учун зарур бўлган маъмурий ҳамкорликни таъминлаш.

Биринчи кичик бўлимда тилга олинган сўровнома, ушбу кичик бўлимда кўрсатилган шартлар бажарилганлиги тўғрисидаги далил билан тасдиқланиши керак. У Комиссияга йўлланиши керак. Комиссия, кумуляция билан боғлиқ бўлган, долзарб деб ҳисобланган барча элементларни, жумладан кумуляция қилиниши керак бўлган материалларни ҳам, ҳисобга олган ҳолда, сўровнома бўйича қарор қабул қилади.

6. I ёки III гуруҳ бенефициар-мамлакатлари ўртасида ҳудудий кумуляция берилган тақдирда у бир ҳудудий гуруҳ мамлакатидан келиб чиққан материалларни бошқа ҳудудий гуруҳ мамлакатидан келиб чиққан деб қараш имконини бериши керак, агар улар у ерда олинган маҳсулот таркибига киритилган бўлса. Бунда қуйидаги шарт бажарилган бўлиши керак: охириги бенефициар-мамлакатда бажарилган ишлов бериш ёки қайта ишлаш 47 (1) Моддада келтирилган операциялар доирасидан ташқарига ва текстиль маҳсуотлар бўлган тақдирда ҳам, 22-05 Иловада кўрсатилган операциялар доирасидан ташқарига чиқса.

Агар 1 кичик бандда кўрсатилган шарт бажарилмаса ва материаллар устида 47 (1) (b) - (q) Моддада таърифланган бир ёки бир нечта операциялар бажарилса, Иттифоққа маҳсулотни экспорт қилиш мақсадида келиб чиқиш далилида келиб чиқиш мамлакати сифатида, кумуляцияда иштирок этувчи мамлакатлардан келиб

чиққан, ишлатилган материаллар қийматининг энг катта улушига эга бўлган мамлакат кўрсатлиши керак.

Агар маҳсулот кейинги ишлов берилмасдан ёки қайта ишланмасдан экспорт қилинаётган бўлса ёки устида 47 (1) (а) Моддада келтирилган операциялар бажарилмаса, у ҳолда келиб чиқиш мамлакати сифатида Иттифоққа экспорт қилиш мақсадида берилган келиб чиқишни тасдиқлаш асосида, товар ишлаб чиқарилган бенефициар-мамлакатда берилган ва расмийлаштирилган келиб чиқишни тасдиқлашда кўрсатилган бенефициар-мамлакат кўрсатилиши керак.

7. Комиссия Европа Иттифоқининг Расмий журналида (С Серия) I Гуруҳ ва III Гуруҳ мамлакатлари ўртасида 5 бандда кўзда тутилган кумуляциянинг кучга кириш санасини, шу кумуляцияда иштирок этувчи мамлакатларни, ва зарур бўлган ҳолда кумуляция қўлланадиган материаллар рўйхатини чоп этади.

8. 41-52 Моддалар ва келиб чиқиш масалалари ёки далилларини тузишга тегишли қоидалар, келиб чиқиш далилларини кейинги текшириш қоидалари бир бенефициар-мамлакатдан иккинчисига экспорт қилишда кумуляция мақсадлари учун қўлланади.

## 56 Модда

Кенгайтирилган кумуляция

(Кодекснинг 64 (3)Моддаси)

1. Исталган бенефициар-мамлакат ҳукуматларининг илтимосига биноан бенефициар-мамлакат ва тарифлар ва савдо тўғрисидаги Бош битимнинг XXIV моддасига мувофиқ Иттифоқт билан эркин савдо тўғрисидаги битимга эга бўлган мамлакат ўртасидаги кенгайтирилган кумуляция Комиссия томонидан, қуйидаги шартларнинг ҳар бирига риоя қилиниш шарти билан берилиши мумкин:

По просьбе властей любой страны-бенефициара расширенная кумуляция между страной-бенефициаром и страной, с которой Союз имеет соглашение о свободной торговле в соответствии со статьей Генерального соглашения о тарифах и торговле (ГАТТ), может предоставляется Комиссией при условии соблюдения каждого из следующих условий:

(а) кумуляцияда иштирок этувчи мамлакатлар мазкур кичик бўлим, 2 кичик бўлим ва келиб чиқиш қоидаларига тегишли бўлган барча бошқа қоидаларга риоя қилиш ёки риоя қилинишини таъминлаш ва мазкур кичик бўлим ва 2 кичик бўлимнинг ҳам Иттифоқ борасида, ҳам ўзаро тўғри бажарилишини таъминлаш учун зарур бўлган маъмурий ҳамкорликни таъминлаш мажбуриятини олади;

(b) Комиссия, (а) бандда кўрсатилган мажбурият тўғрисида тегишли бенефициар-мамлакат томонидан хабардор қилинган.

Биринчи кичик бандда айтиб ўтилган сўровнома кумуляция билан боғлиқ бўлган материаллар рўйхатига эга бўлиши ва биринчи кичик банднинг (а) ва (б) бандларида келтирилган шартлар бажарилганлиги тўғрисидаги далиллар билан тасдиқланиши керак. У Комиссияга йўлланиши керак. Агар тегишли материаллар ўзгарса, бошқа сўровнома юборилади.

Уйғунлашган тизимнинг 1-24 гуруҳларига кирувчи материаллар кенгайтирилган кумуляциядан чиқариб ташланади.

2. 1 бандда тилга олинган кенгайтирилган кумуляция бўлган тақдирда ишлатилган материалларнинг келиб чиқиши ва қўлланаётган келиб чиқишни хужжатли тасдиқлаш, эркин савдо тўғрисидаги тегишли битимда таърифланган қоидаларга мувофиқ аниқланади.

Иттифоққа экспорт қилинаётган товарларнинг келиб чиқиши 2 кичик бўлимда таърифланган келиб чиқиш қоидаларига мувофиқ аниқланади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот келиб чиққан мақомига эга бўлиши учун, Иттифоқ билан эркин савдо тўғрисидаги битими бўлган мамлакатдан келиб чиққан, бенефициар-мамлакатда Европа Иттифоқи мамлакатига экспорт қилишга мўлжалланган маҳсулотни ишлаб чиқишда ишлатилган материалларга етарлича ишлов бериш ёки қайта ишлаш шарт эмас. Бунда тегишли бенефициар-мамлакатда бажарилаётган ишлов бериш ёки қайта ишлаш 47 (1) Моддада таърифланган операциялар доирасидан чиқиш шарти бажарилиши керак.

3. Комиссия Европа Иттифоқининг Расмий журналида (серия С) кенгайтирилган кумуляциянинг кучга кириш санаси, бу кумуляцияда иштирок этувчи мамлакатлар, кумуляция қўлланаётган материаллар рўйхатини чоп этади.

## **57 Модда**

Икки томонлама кумуляция ёки Норвегия, Швейцария ёки Туркия билан кумуляцияни ҳудудий кумуляция билан бирга қўллаш

(Кодекснинг 64 (3) Моддаси)

Агар икки томонлама кумуляция ёки Норвегия, Швейцария ёки Туркия билан кумуляция ҳудудий кумуляция билан бирга қўлланаётган бўлса, олинаётган маҳсулот, 55 (4) модданинг биринчи ва иккинчи кичик бандларига ёки зарур бўлганда 55 (6) модданинг биринчи ва иккинчи кичик бандларига мувофиқ белгиланган, тегишли ҳудудий гуруҳ мамлакатларининг бирида келиб чиққан деб ҳисобланади.

## **58 Модда**

Иттифоқ экспортёрлари материалларининг заҳираларини ҳисобга олиш сегрегацияси (Кодекснинг 64 (3) Моддаси)

1. Агар маҳсулотга ишлов бериш ёки қайта ишлашда келиб чиқадиган ёки хориждан келиб чиқадиган материаллар ишлатилса, аъзо-давлатларнинг божхона органлари Иттифоқ нинг божхона ҳудудида таъсис этилган иқтисодий операторларнинг ёзма сўровномаси бўйича , бухгалтерия ҳисобининг



сегрегацияси усулини қўллаган ҳолда, кейинчалик материалларни алоҳида омборхоналарда сақламасдан, иккитомонлама кумуляция доирасида бенефициар-мамлакатга экспорт қилиш мақсадида, Иттифоқда материалларни бошқаришга рухсат бериши мумкин.

2. Аъзо-давлатларнинг божхона органлари , улар лозим деб топган ҳар қандай шартларни ҳисобга олган ҳолда, 1 бандда айтиб ўтилган рухсатномани тақдим этишлари мумкин. Рухсатнома фақат, 1 параграфда эслатиб ўтилган усул ёрдамида, исталган вақтда “Иттифоқдан келиб чиққан” деб қараш мумкин бўлган олинган маҳсулотнинг миқдори, заҳираларни жисмонан бўлиш усули ёрдамида олинган миқдорга тўғри келишини кафолатлаш мумкин бўлган ҳолдагина, тақдим этилиши мумкин. Агар рухсатнома тақдим этилган бўлса, усул қўлланиши керак ва унинг қўлланиши Иттифоқда қўлланидиган бухгалтерия ҳисобининг умумий тамойиллари асосида хужжатлаштирилиши керак.

3. 1 параграфда тилга олинган усул бенефициари, товарнинг Иттифоқда келиб чиққан деб қаралиши мумкин бўлган миқдорига товарнинг келиб чиқишини тасдиқлашга буюртмани расмийлаштириши ёки экспортёрларнинг рўйхатга олинган тизими қўллангунига қадар буюртмани бериши керак. Аъзо-давлатлар божхона органларининг сўровномасига биноан, бенефициар кўрсатилган миқдорга қандай ишлов берилганлиги тўғрисидаги маълумотномани тақдим этиши керак.

4. Аъзо-давлатларнинг божхона органлари 1 бандда кўрсатилган рухсатноманинг қандай қўлланишини назорат қилиши керак. Улар қуйидаги ҳолларда рухсатномани бекор қилиши мумкин:

(а) рухсатноманинг эгаси уни нотўғри қўллаганда, ёки

(б) рухсатноманинг эгаси мазкур кичик бўлим, 2 кичик бўлимнинг бирор-бир шартларини ва келиб чиқиш қоидаларини қўллашга тегишли бўлган бошқа барча қоидаларни бажармаганда.